

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир:

проф. **Набиев Д.Х.**

Бош муҳаррир ўринбосари

доц. **Холмирзаев Н.С.**

Масъул котиб

ф.ф.д. **Жумаев Т.Ж.**

Таҳририят ҳайъати аъзолари:

проф. Баҳриддинова Б.М.

проф. Бўриев О.Б.

проф. Ёзиев Л.Ё.

проф. Жабборов А.М.

ф.-м.ф.д. Имомов А.

к.ф.д. Камолов Л.С.

проф. Кучбоев А.Э.

проф. Менглиев Б.Р.

т.ф.д. Мўминова Г.

проф. Нормуродов М.Т.

проф. Нурманов С.Э.

проф. Очилов А.О.

п.ф.д. Расулов А.И.

ф.ф.д. Тожиева Г.Н.

проф. Тўраев Д.Т.

проф. Умирзаков Б.Е.

проф. Хайриддинов Б.Х.

ф.-м.ф.д. Холмуродов А.Э.

проф. Чориев А.Ч.

проф. Чориев С.А.

проф. Шодиев Р.Д.

ф.ф.д. Шодмонов Н.Н.

проф. Эркаев А.П.

ф.ф.д. Эрназарова Г.Х.

проф. Эшов Б.Ж.

проф. Эшқобилов Ю.Х.

проф. Курбонов Ш.Қ.

проф. Қўйлиев Б.

проф. Ҳакимов Н.Х.

доц. Орипова Н.Х.

доц. Рўзиев Б.Х.

доц. Эшқораева Н.

доц. Курбонов П.Қ.

доц. Ҳамраева Ё.Н.

Журнал 2009 йилда

ташқил этилган

Манзилимиз:

180003, Қарши, Кўчабоғ, 17.

Қарши давлат университети,

Бош бино.

Тел.: (97) 385-33-73, (99) 056-33-14,

web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: qarduxj@umail.uz

Telegram: t.me/Qardu_xabarlar

1/2(57) 2023
Январ-феврал

ҚАРДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

Ижтимоий-гуманитар
фанлар

Муассис: Қарши давлат университети

Журнал Қашқадарё вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармаси
томонидан 17.09.2010 йилда
№ 14–061 рақамли гувоҳнома
билан қайта рўйхатдан ўтган.

Мусахҳихлар:

М.Набиева

З.Кенжаева

Ж.Буранова

Б.Турсунбоев

Саҳифаловчи

Я.Жумаев

Навбатчи

Т.Жумаев

Техник муҳаррир

М.Раҳматов

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг қарорлари билан **физика-математика, кимё, биология, тарих, фалсафа, сиёсатишунослик, филология, педагогика-психологи ва иқтисод** фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

Йилига 6 марта

чоп этилади

Журналдан олинган материалларга “ҚарДУ хабарлари” журналидан олинди”, деган ҳавола берилиши шарт.

Муаллифлардан келган қўлёзма материалларэгаларига қайтарилмайди.

СИЁСАТШУНОСЛИК

Маматқобилов Т.Д., Шокирбоев А.А. Узлуксиз маънавий тарбиянинг таълимийлиги.....	120
Сеитова З.П. Личность, проблема идентичности в социологии.....	123
Рашидов Р.Р. Афғонистон қуролли тузилмалари: шаклланиши, таснифи ва ўзига хос хусусиятлари.....	127

ФИЛОЛОГИЯ

Рўзиев Я.Б. Ноқардош тиллар қурилишининг бош хусусиятлари.....	136
Nizomova M.B. Ingliz va o'zbek tillarida pedagogikaga oid terminlarning leksikografikasida formal-strukturaviy tahlil.....	139
Sulaymonov B.N., Akbarov A.M. Metaforik va metonimik ko'chma ma'no hamda ularning tarjimada berilishi.....	145
Раджабова З.И. Фразеологик маънонинг лексикографик талқинида этимологик шарҳнинг ўрни.....	148
Kazakov I.R. Paremiyalarda gender konsepti talqini.....	152
Рўзиева Х. Улуғбек Ҳамдам асарларида қўлланган антропонимларнинг лингвопоэтик хусусиятлари.....	157
Жуманов В. Прагматик транспозиция ҳодисаси ёхуд сўроқ гапларда прагматик кўп маънолиликнинг юзага келиши.....	161
Masharipova Sh., Bahodirova F.B. Neyrolingvistika va tilning buzilishi.....	163
Мадиева Г.М. Ўзбек тилининг тарихийлик ва замонавийликка муносабати.....	166
Бахтиёрва С. Тил бирликлар ўртасида фонетик ва морфологик симметрия ва ассиметрия ҳодисаси (“Девону луғотит турк” асари мисолида).....	170
Кенжаева З.С. Ўзбек тилида вақт-замон англатувчи лексик бирликларнинг этимологик-семантик белгилари хусусида.....	173
Бегимова М. Ўзбек тилида бир қисми мустақил маънога эга бўлмаган жуфт сўзлар таснифи.....	176
Дусёрова К. Анъанавий кутубхоналардан интеграллашган ахборот-кутубхоналар сари.....	179
Хамраева Ё.Н., Тиллаева М.Я. Изучение устойчивых сочетаний слов в сопоставительном аспекте.....	182
Попов Д.В. О формировании языковой картины мира.....	186
Филлипова О.И. Функциональная значимость избыточности в художественном тексте.....	189
Хамраева М., Гуломова М. Антропонимы как макросфера ономастического пространства (на материале русского и узбекского языков).....	196

НОҚАРДОШ ТИЛЛАР ҚУРИЛИШИНING БОШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Рўзиев Я.Б. (БухДУ)

Аннотация. Мақолада немис, рус, араб ва ўзбек тилларидаги феъл ўзагини ўзаро қиёслаш орқали ушбу тиллар қурилишининг бош хусусияти ҳақида мулоҳаза юритилади.

Таянч сўзлар: *тил, таълимот, руҳий қувват, тежамкорлик, грамматик маъно, луғавий маъно.*

Аннотатсион. The article discusses the main features of the construction of German, Russian, Arabic and Uzbek by comparing the stem of the verb in these languages.

Key words: *language, doctrine, spiritual power, economy, grammatical meaning, lexical meaning.*

Аннотация: В статье рассматриваются основные особенности построения немецкого, русского, арабского и узбекского языков путем сравнения корня одного глагола в этих языках.

Ключевые слова: *язык, учение, духовная сила, экономичность, грамматическое значение, лексическое значение.*

Назарий тилшунослик асосчиси В. Гумболтнинг ёзишича тилнинг айрим унсурида унинг характерли белгилари мужассам бўлади. Ҳақиқатан шундайлигини билиш мақсадида тўртта тилда битта феълнинг ўзагини қиёслаб кўрса бўлади: *кр' – чита – les – ўқи*. Араб тилида ўзак учта ундошдан иборат бўлиб фақат грамматик эмас, луғавий маъно ҳам англатмайди. Унга ҳар қайси ундошдан кейин битта унли қўшилса бирданига луғавий ва бир нечта грамматик маъно намоён бўлади. *Ўтган замон, учинчи шахс, бирлик* шулар жумласидан: *қара'а – ўқиди*. Рус тилида феълнинг ўзаги фақат луғавий (аташ) маъно англатади. Грамматик маъно ифодаланиши учун қўшимча талаб этилади: *чита-й – ўқи*. Немис тилида ўзакдан луғавий маъно англашилиб грамматик маъно унли ўзгариши билан ифода этилади: *lies – ўқи*. Ўзбек тилида эса тамоман бошқача ҳолга дуч келамиз. Феълнинг ўзаги (*ўқи*)дан аввало рус тилидагидек луғавий маъно яъни ҳаракатнинг инсонга ҳос фаолият эканлиги англашилади. Бундан ташқари рус ва немис тилидагидек эга, тўлдирувчи, ҳол билан бирикиш имконияти (*валентлиги*) сезилиб туради. Шу билан бирга ўзакдан ўнга яқин грамматик маъно англашилади. *Шахс (тингловчи), сон (бирлик), майл (буйруқ), замон (келаси), бўлишлик (масдиқ), ҳурмат (бетарафлик), нисбат (бош шакл), тарз, аспект (ҳаракатнинг тугалланганлиги ва ҳоказога бетарафлик) ҳамда ҳис-туйғуга бетарафлик (ифодаланиши ургу ва ҳоказога боғлиқ)* шулар жумласидандир. Феълнинг ўзаги бундан ташқари коммуникатив вазифа ҳам бажаради. Битта ўзи фикр ифодалаб тингловчинини ўзакдан англашилган ҳаракатни бажаришга ундайди. Предикативлик тўлиқ ифодаланганидан буйруқ гап бўлиб келади: *Ўқи*. Шуни таъкидлаш лозимки ҳозирги ўзбек адабий тилида феълнинг ўзаги энг кичик гап бўлиб гапнинг бошқа барча кўриниши шундан қўшимча ва бошқа воситалар билан ҳосил бўлади. Кўринадики ҳозиргача нол кўрсаткичли шакл деб қаралган восита ҳам луғавий ҳам грамматик ҳам коммуникатив бирлик вазифасини бажаради.

Бундан ташқари рус, немис тилларида луғавий ва грамматик маъно алоҳида-алоҳида восита билан ифодаланса араб тилида луғавий маъно ифодаланишида ҳам ундош ҳам унли иштирок этиб грамматик маъно фақат унли воситасида намоён бўлади. Ўзбек тилида эса фақат луғавий ва грамматик маъно эмас, коммуникатив маъно ҳам бирор қўшимча воситасиз феълнинг ўзагидан англашилаверади. Бунинг асосий сабаби шуки, мазкур халқларнинг борлиқни идрок қилиши аниқроғи миллий тилларнинг шаклланиш даврида борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг тушунча ва фикрга айланиш тарзи бир хил бўлмаган. Араб (сом) ва ўзбек (туркий) халқлари тежамкорлик йўлини тутган бўлса славян ва герман халқлари нотежамкорлик йўлидан борган. Бошқа сўз туркумларида ҳам шунга ўхшаш фарқ-тафовут мавжуд [2: 63-65].

Руҳий-ижтимоий ёки идеалистик-материалистик йўналишга оид тадқиқотларда асосланилишича тежамкорлик ўзбек тилида лисоний бирликларнинг барчасига турли

кўриниш ва даражада хос. Жумладан, кўшимчанинг тежаб ишлатилиши [3: 124]¹, қисқарув [10: 2004], бирикмада сўз қўлланмаслиги, гапда мустақил ва ёрдамчи сўз ишлатилмаслиги, содда ва қўшма гапдаги шаклий ҳамда мазмуний номувофиқлик, содда гап билан эргашган қўшма гап маънодошлиги, ўзлаштира хабар, уюшган гап, пресуппозиция, импликация ҳодисаси, тўлиқсиз гапнинг барча тури тежамкорликнинг турлича кўринишидир. Шуларга асосланиб биз ҳам ўзбек адабий тили курилишининг бош хусусиятини *тежамкорлик* деб атаймиз.

Юқоридаги қисқача шарҳдан кўринадикки сўзнинг тузилишига кўра (морфологик, типологик жиҳатдан) таснифлаб ўрганиш усули 19 асда қиёсий-тарихий тилшуносликда асослаб берилган. Унга кўра ҳинд-европо, хом-сом (хамит-семит) тиллари флектив, олтой (туркий, мўғул) тиллари агглютинатив деб аталади. Бинобарин ўзбек тилида сўзнинг тузилиши рус, немис, инглиз, француз, араб, форс-тожик тилларидан фарқ қилади деб қаралади. Ана шу фарқлардан бири сўз қисмлари (ўзак ва қўшимча) орасидаги муносабат (мустақил қўлланиш-қўлланмаслиги, бир-бирига уланиши) бўлса, иккинчиси улар орқали луғавий, грамматик ва коннотатив (услубий, қўшимча) маъно ифодаланишидир.

Шўро ҳудудига тили ҳам ҳинд-европо ҳам олтой оиласига мансуб халқлар яшаганлигидан қиёсий-типологик тадқиқ усулига қизиқиш кучайиб давлат сиёсатида мувофиқ ўзга тилларни рус тили билан қиёслаб ўрганиш устуворлик қилди. Ўзбек тилшунослигида ҳам шундай бўлди. Рус тили билан ўзбек тили орасида фарқ эса асосан нуфузли рус олимлари (акад. В.В. Виноградов, проф. А.А. Реформатский)нинг тадқиқотларига таяниб тайёрлаштирилди. Назарий фикрлар амалиётга татбиқ этилиб ўрта ва олий мактаб дарсликларига қоида қилиб киритилгани учун умумхалқийлик, умуммажбурийлик, намунавийлик мақомини олди. Мисол тариқасида *Ўзбек тили* дарслигининг тилшуносликдан умумий маълумот бўлимида берилган иккита қоидани олиб кўрайлик. “Агглютинатив тилларда ҳар бир грамматик маъно, одатда, алоҳида аффикс билан ифода этилади. Масалан, ўзбек тилида кўплик ва келишικ маъноларини алоҳида аффикслар ифода қилади: *Ишчи-лар-га мукофот-лар-ни топиш-дик*. Флектив тилларда бирдан ортик грамматик маъно, одатда, биргина кўрсаткич орқали ифода этилади. Масалан, *Эти книги сдаю в библиотеку* гапида *эти книги* сўзлари охиридаги **-и** аффикси икки маънони: тушум келишиги ва кўпликни билдириб келган; *сдаю (сдай+у)* сўзи охиридаги **-у** аффикси майл, замон, шахс, сонни билдириб келган” [4: 16]. Аввало шуки, қиёс тўлиқ эмас. Рус тилида феъл (кесим)даги қўшимчанинг тўртта грамматик маъно ифодалаш кўрсатилади-ю ўзбек тилида феъл (*топиш-ди-к*) даги **-ди** майл ва замонни, **-к** шахс ва сонни билдириши айтилмайди. Сўздаги охириги қўшимча (**-к**) тушириб қолдирилса **-ди** майл, замон, шахс, сондан ташқари ҳурматга бетарафликни ҳам англатади; **-ди** тушириб қолдирилса грамматик маъно сони яна ортади. Кўринадикки, қўшимчанинг кўп маънолиги фақат рус тилига эмас, ўзбек тилига ҳам хос. Рус ва ўзбек, кенгрок олиб қарайдиган бўлсак флектив ва агглютинатив тиллар курилишидаги фарқ бошқа. Бу фарқ шундан иборатки, рус тилида сўзнинг ўзаги луғавий маъно ифодалаш учун хосланган, ўзбек тилида эса ўзак ҳам луғавий ҳам грамматик маъно ифодалай олади. Шунга кўра рус тилида феълнинг ўзаги грамматик шаклланмаган бўлиб мустақил ишлатилмайди, ўзбек тилида бунинг акси кўрамыз. Мазкур тиллар курилиши аниқроғи тузилишида бошқа ўзига хосликлар ҳам мавжуд [2: 43-57].

Юқоридаги қисқача қиёслашдан маълум бўладикки агглютинатив тиллардаги қўшимчаларнинг бир маънолиги, флектив тилларда кўп маънолиги ҳақидаги даъво асосли эмас экан. Маълумки бу фикр шўро тилшунослигида жумладан проф. А.А. Реформатский томонидан илгари сурилган эди [5: 212].

Бундан ташқари 19-асрда тарихий-қиёсий тилшунослик вакиллари томонидан тили флектив хусусиятга эга бўлган халқлар руҳий-маънавий жиҳатдан тили бошқа тузилишга мансуб халқлардан устун деб даъво қилинган. Бу ғоя тилни руҳий фаолият маҳсули деб

¹Г.П. Мельников аффиксни тежаб ишлатишни барча туркий тилнинг бош хусусияти деб ҳисоблайди.

караган атоқли олим В. Гумболт томонидан рад этилган. Ўз тажрибамга асосланиб шуни аниқ айта оламанки, деб ёзади у, турли тузилишли тиллардан имкон қадар кўпроғи чуқур ўрганилса мазкур нуктаи назарнинг пучлиги, қуруқ даъво эканлиги аён бўлади, чунки бирорта тилни ҳам соф флексив деб бўлмайди[11: 241]. Афсуски бу даъво шўро тилшунослигида ҳам ҳукмрон халқ ва мустамлака халқлар тилига нисбат берилган эди. Қиёсий-типологиялик тадқиқотларда шу нуктаи назар асос қилиб олинган эди.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки В. Гумболт халқларнинг руҳий қуввати бир хил эмас шу сабабли тилларнинг тузилиши ҳам бир хил бўлмайди. Қўшимча аслида сўз бўлиб ўзак билан уйғунлашиб кетмаса у суффикс (ёш суффикс) деб аталади. Бундай тил ҳам грамматик муносабат ифодалайди аммо руҳий қувват бир қадар суст бўлади дейиш мумкин деб ёзади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ёш гумболтчилар оқимининг йирик намоёндаси Лео Вайсгербер ўз устозининг мазкур фикрига тўла қўшилмайди. У шундай деб ёзади. В. Гумболт тафаккур қоидалари барча халқларда мутлақо ўхшаш, айнан бир хил деган. Ҳолбуки Кантнинг категориялар тизими европача категориялар тизимидан иборат ҳолос [1: 114, 116].¹

Шўро тилшуносларининг фикрига кўра Л. Вайсгербер тафаккурнинг мантикий ва мазмуний жиҳатини фарқламайди. У мазмуний шакллар миллий хусусиятга эга бўлади деб эътироф этиш билан мантикий категориялар (субъект, предикат ва б.) нинг бутун инсоният учун муштараклигини инкор этади. Бошқача айтганда Л. Вайсгербер тилни икки ботиний жиҳатнинг ўзаро боғлиқлиги (зиддият)дан иборат деб талқин қилганда тамомила ҳақ. Шунга кўра уни тадқиқ объектига диалектик нуктаи назардан ёндашган деса бўлади. Бироқ янги гумболтчиларнинг умумий метафизик методологияси Л. Вайсгерберча диалектик ёндашув (позиция) га тўлиқ ўтишига монелик қилади. У тилни ўзаро узвий боғланган ҳосила (продукт) ва фаолият деб эътироф этар экан бунда мазкур икки жиҳатнинг бирлиги ўзаро уйғунлиги, мувофиқлигини кўради ҳолос. Уларнинг ўзаро рақобатини (борьба), бир-бирининг номувофиқлигини юзага чиқарадиган зиддият (противоречие) дан иборат деб ҳисобламайди. Ҳолбуки ҳосила бўлган лисон билан фаолият (яъни тил тизими билан нутк) орасидаги рақобат, зиддият (борьба) тил тизимида мавжуд бўлмаган нарсани юзага чиқаришга имкон беради. Айни пайтда тил тизимида мавжуд бўлган нарсани рўёбга чиқаришга монелик қилади. Тил тизимига борлиқни акс эттиришда мазмуний тафовут ва ўзгаришлар ҳос. Нутқда булар бартараф этилади ва дунёнинг ягона, кўпқиррали замонавий амалиёт ва замонавий илмий билиш даражасига мос шаклланиши учун шарт-шароит пайдо бўлади [9: 51].

Мазкур фикрлардан шундай ҳулоса чиқариш мумкин, миллий тиллар тузилишига баҳо беришда дунёни идрок қилишнинг ўзига ҳос усуллари борлигини эътироф этишга тўғри келади. Тили флексив деб аталувчи халқлар руҳияти борлиқни тилга айлантиришда икки босқичли синтездан фойдаланади. Тили агглютинатив деб аталувчи халқларда эса синтез бирданига рўй беради. Иккала босқич хусусияти ҳам ўзакда воқеланади. Бундай ҳолда В. Гумболтнинг нима грамматик маъно ифодаласа ўша грамматик шакл деб қаралади деган фикри инобатга олинган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Вайсгербер Й.Л. Язык и философия. *Вопросы языкознания* журна. 1993, 2-сон.
2. Зикриллаев Ф. Истиклол ва адабий тил. Тошкент, “Фан”, 2004.
3. Мельников Г.П. Принципы системной лингвистики в применении к проблемам тюркологии. Структура и история тюркских языков (тўплам). М., 1971.
4. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент, 1978.
5. Реформатский А.А. Введение в языкознание. М., 1955.
6. Рўзиев Я.Б. Ўзбек тилшунослигида кўчирма ва ўзлаштира нутқнинг талқину тавсифи. БухДУ илмий ахбороти. – Бухоро: БухДУ, 2022. -№ 4-сон. 68-77-б. http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8285.
7. Рўзиев Я.Б. Рус тилида кўчирма ва ўзлаштира нутк. *Ilm sarchashmalari*, UrDU, 2022 yil, 11- son. 141-145-b. https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/authorDashboard/submission/8287.

¹Вайсгербер Й.Л. Язык и философия. *Вопросы языкознания* журна. 1993, 2-сон.

8. Рўзиев Я.Б. Рухий қувват билан тилнинг ўзаро муносабати. Innovative Development in Educational Activities. ISSN: 2181-3523. Volume 1, Issue 6, 2022. https://zenodo.org/record/7434511#Y5nmLX1BzIUhttps://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/authorDashboard/submission/8289
9. Чесноков П.В. Неогумбольдтианство // Философские основы зарубежных направлений в языкознании (тўплам). Москва, Наука, 1977.
10. Элтазаров Ж. Тилдаги тежамкорлик тамойили ва қисқарув. Самарқанд, 2004.
11. Wilhelm von Humboldt. Gesammelte Schriften. Band VII. Erste Abteilung: Werke VII. Erste Hälfte. Berlin, B. Behr's Verlag, 1907.

Наишга проф. Б.Менглиев тавсия этган

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA PEDAGOGIKAGA OID TERMINLARNING LEKSIKOGRAFIKASIDA FORMAL-STRUKTURAVIY TAHLIL

Nizomova M.B. (QarDU)

Annotatsiya. Ingliz va o'zbek tillarida pedagogikaga oid terminlarining paydo bo'lishidagi asosiy omillarini aniqlash, tilshunoslikda o'rganilishini yoritib berish hamda pedagogikaga oid terminlarning leksik xususiyatini ochib berish, sohaga oid terminlarni struktur-semantik jihatdan tahlil qilishga doir ko'plab tadqiqotlar olib borib, izlanishlarimizni ilmiy asoslab berdik. Shu o'rinda ingliz va o'zbek tillarida pedagogikaga oid terminlarning leksikografikasida formal-strukturaviy tahlilini ishlab chiqishni joiz deb bildik. Ushbu maqolada pedagogika sohasiga oid atamalarining, chog'ishtirilayotgan tillarda leksikografiyasining tahlil jarayonlari muammolarini va tamoyillarining o'ziga xos xususiyatlarini yoritib berdik.

Tayanch so'zlar: *atamalar, pedagogika, tahlil, terminologiya, monoleksemik atamalar, polileksemik atamalar, akademik lug'at, ilmiy lug'at, analogik lug'at.*

Annotation. We have carried out many studies to determine the main factors in the emergence of pedagogic terms in English and Uzbek languages, to shed light on their study in linguistics and to reveal the lexical nature of pedagogic terms, to analyze structurally-semantically related terms we gave a scientific basis. At this point, we considered it permissible to develop a formal-structural analysis of the lexicographical terms related to pedagogy in English and Uzbek languages. In this article, we highlighted the specific features of the analytical processes and principles of lexicography of terms in the field of pedagogy.

Keywords: *terms, pedagogy, analysis, terminology, monolexemic terms, polylexemic terms, academic dictionary, scientific dictionary, analogical dictionary.*

Аннотация. Мы провели множество исследований по выявлению основных факторов возникновения терминов педагогики на английском и узбекском языках, освещению их изучения в лингвистике и раскрытию лексического характера педагогических терминов, структурно-семантическому анализу отраслевых терминов и научно обосновали наши исследования. В этой связи мы решили разработать формально-структурный анализ лексикографии педагогических терминов на английском и узбекском языках. В этой статье мы освещали проблемы аналитических процессов и специфику принципов термина в области педагогики, лексикографии на обсуждаемых языках.

Ключевые слова: *термины, педагогика, анализ, терминология, монолексические термины, полилексические термины, академический словарь, научный словарь, аналогический словарь.*

Ko'pgina terminologik tadqiqotlarning an'anaviy tarkibiy qismi atamalarining rasmiy turlarini tavsiflash bo'lib, ular nominatsiya tizimida qanday ifodalanishini aniqlashga yordam beradi va shu bilan tadqiqotchiga mantiqiy, konseptual darajada o'tishga imkon beradi. Maxsus leksik birliklarni lingvistik darajaga tahlil qilish bu leksikografikaning majmuasiga xos bo'lgan, birinchidan, yuqoridagi terminologiyani bir butun sifatida tavsiflovchi, ikkinchidan, bir qator semantik jarayonlarni aniqlash imkonini beruvchi oddiy rasmiy xususiyatlar aniqlanadi. Ushbu tahlil natijasi pedagogika sohasiga oid terminologiyaning nominativ birliklarining strukturaviy turlari (*sodda so'zlar, affiks so'zlar, qo'shma so'zlar, iboralar*) va leksik va grammatik xarakterdagi formal terminologik elementlarning (*prefikslar, qo'shimchalar, ildizmorfemalar*) nisbatini aniqlashdir. Ba'zi sabablarga ko'ra, bu ishning asosi bo'lib xizmat qiladigan leksik materialning so'z yasalishi va morfologik tahlilini farqlash muhim ko'rinadi. Birinchi holda, muallifni birinchi navbatda atama hosil qilish usullari va modellari ularning mahsuldorligi nuqtai

ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

Индекс: 4071

Теришга 03.02.2023 йилда берилди.
Босишга 18.02.2023 йилда рухсат этилди.
27.02.2023 йилда босилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60x84, 1/8.
Times New Roman гарнитураси.
Нашриёт ҳисоб табағи 20,25.
Буюртма рақами: № 128.
Адади 100 нусха. Эркин нархда.